

АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz

№ 11 (870) • 2012 йил, 16 март, жума

Ижтимоий масалалар

фракция аъзолари диққат марказида

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партиянинг куйи палатадаги фракцияси аъзолари, Молия, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар вакиллари, партия фаоллари иштирок этишди.

Кун тартибдаги масала — Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2011 йилдаги ҳисоботи фракция аъзолари томонидан қизгин муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси Иш дастури асосида 42 йўналишда ҳудудлардаги 116 та ташкилот ва муассасаларда назорат тадбирлари амалга оширилди. Шундан 2011 йилда 30 йўналишдаги 101 та объекта назорат тугалланган ва 12 йўналишдаги 15 та объекта назорат тадбирла-

ри жорий йилда давом эттирилмоқда. Хисоб палатаси томонидан "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш, сиёсий партиялар молиявий даромадларининг шаклланиши ҳамда харажатларининг "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқлиги текширилган ҳисобот йилида маҳаллий бюджетларнинг ижроси юзасидан илоҳий бир мониторинг олиб борилди.

Давоми 2-бетда ➤



Наврўз — кўнгил мунавварлиги

Шукўх

Йил фаслларининг алмашилиши, кўхротон кишининг баҳорга ўрин бўшатиб бериши, қиш бўйи мудраб ётган далаларда тафт пайдо бўлиб, сепилган уруғларнинг аста-секин ниш отиши табиий мувозанатга асосланган. Инсоннинг бутун ҳаёти шу мувозанатда ўз ифодасини топади десак, муболага бўлмайди. Сув ва қуруқлик, кун ва тун, тоғлару яланликлар ўртасида илоҳий бир мувозанат бор. Унинг бошида йилда бир келадиган Наврўз туради.

Наврўз мувозанати наинки моддий оламга, маънавий ҳаётимизга, сўз ва амалларимизга, уйку ва уйғоқлигимизга ҳам тегишли. Соҳиб кудрат томонидан яратилган жамми нарсалар ўз мақоми ва меъёрида сақланиши зарур.

Инсон ҳаёти давомида буюк ихтиролар қилади, моддий бойликлар яратади, дунёни безаб, ўзи ҳам безанади, ўзи яратган нарсалардан баҳраманд бўлади. Фарзандлари янада яхши яшашни учун харакат қилади. Аммо бу харакат

она-табиатнинг ишига ноўрин, худбинларча, тор манфаатларни кўзлаб аралашши, йўлларга, дарёларга сунъий тўсиқлар қўйиш дегани эмас. Оққан дарё оқмай қолмас деганларидек, табиат барибир ўз ҳукмини ўтказди, мувозанатини тиклаб олади. Яқин ўтмишда содир этилган бундай аралашувлар қандай аянчли оқибатларга олиб келганини яхши биламиз. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мувозанат фақат табиатга эмас, инсонга ҳам тегишли. Ҳар бир одам ҳар бир ҳолатда ўзига ўзи ҳисоб бериши, ўзини ўзи тафтиш қилиши, ёнида худди ўзи каби бошқалар ҳам борлигини, уларда ҳам ички "мен" туйғуси мавжуд бўлиб, бу дунё лаззатларидан завқ-

ланиш, фойдаланиш ҳуқуқига эгалиklarини тан олиши даркор. Ҳамма ўз ҳолича, фақат ўзини ўйлаб, турли томонга от сурмай, бир-бирининг елкасига қўлини қўйиб, улкан бир ҳалқа бўлиб яшаса, бир-биридан хабардор бўлса, бир-бирини тушунса, фақат шундагина дунё дунё бўлади, мувозанат тарозиси бир томонга оғиб кетмайди. Фақат шундагина дунё дунёлик макомида туради, яшаш завқли бўлади, умргузaronлик қилиш, яратиш ва янгилаш мантиқий маъно касб этади. Моддий ва маънавий бўҳронларни шу бирлик, шу аҳил-иноқлик, олижаноб инсоний фазилатлар билан енгиш мумкин.

Давоми 3-бетда ➤

Тараддуд

Ўртимизга янгилашиш ва уйғониш фасли кириб келмоқда. Яна ролпа-роса тўрт кундан сўнг кўт-барока, меҳроқибат, ҳамжиҳатлик, тинчлик, тотувлик, қўрмоқ ва яратмоқлик рамзи — Наврўз сайли бошланади. Ана шу ўмрбоқий умумхалқ сайли олдидан ўлкамиз гўшаларида қурилиш, таъмирлаш, қўқоқдорлаштириш, ободонлаштириш, саранжом-сарашталик ишлари аллақачон авж олиб, у умумхалқ хашари ҳам айланб ўлгурди. Бу — халқимизнинг минг йиллик қадриятларидан бири ва умуминсоний тараққиёт — цивилизация ривожига ўлкан ҳисса қўшган Наврўзи олам байрамига азал-азалдан интиқлиги — Баҳорга ошуфталиги ифодаси, албатта.

Қуйида шу интиқлик, шу ошуфталики бор бўй-басти ила тўла намобён этгулик тараддуд шукўхи битилган сатрларнинг айримлари билан танишасиз.

Эртага — умумхалқ хайрия ҳашари!

Жорий йилнинг март-апрель ойларида ободонлаштириш ва қўқоқдорлаштириш ойлиги ҳамда 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 мартдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида "Махалла" хайрия жамғармаси Республика бошқаруви раёсатининг қарори қабул қилинди.

Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда юртдошларимиз гўзал айёмга ўзига ҳос хозирлик билан пешвоз чиқмоқдалар. Умумхалқ ҳашарида 16 миллион нафардан ортиқ фуқаролар иштирок этиши кутулапти. Улар катта ҳажмдаги ер майдонлари ва сув ўзанларини тозалашлари, 5 миллион тупга яқин мевали ҳамда манзарали дархат ниҳоллари, ўн миллион атрофида ранго-ранг гул қўчатлари ўтқазиллари, 23 миллиондан ортиқ дархатларга шакл беришлари ва теварак-атрофни супириб-сидиришлари мўлжалга олинган.

Давоми 6-бетда ➤



Нанотехнологиялар — инновациянинг муҳим асоси

Тадқиқот

Илм-фан ва инновацион тараққиётнинг муҳим кўриниши бўлган нанотехнологиялар ҳаётимизга тобора чуқур кириб келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин келажакда замонавий фаннинг кўпгина бўлимлари "нано" қўшимчаси билан айтиладиган бўлади.

Нанотехнология тушунчаси жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, турмушимиз фаровонлигини ошириш, ҳаётимизда ўз ечимини кутаётган экологик, ижтимоий ва бошқа муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этаётганига шубҳа йўқ. Ушбу йўналишда яратилган илмий ихтиролар иқтисодиёт, тиббиёт, биология, экология, авиация, радиоэлектроника каби кўплаб муҳим соҳаларда юқори самардорлик ва тежамкорликка

эришиш имконини бермоқда. Илм-фаннинг бундай кашфиётлари эса ноёб хусусиятларга эга янги метаматериаллар ва экстремал шароитларга чидамли наноматериаллар олиш ва уларни татбиқ этишга хизмат қилади. Шу боис жаҳонда нанотехнологик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва бу борадаги инновацион технологиялардан ижтимоий ҳаётда кенг фойдаланишга эътибор кучли. Сўнгги йилларда нанотехнологияларни ривожланти-

ришга АКШ, Япония ва Европанинг бир қатор давлатлари етарлиқ маблаг ажратаётгани бунинг яққол мисolidир.

Мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, интеллектуал салоҳиятнинг қўллаб-қувватланиши самарасида илм-фаннинг ушбу замонавий йўналиши ҳам изчил тараққий этмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

Сиёсий партиянинг мафқуравий оғояларини кучайтириш ва кадрлар салоҳиятини оширишни таъминлашда сиёсий ўқувларнинг аҳамияти катта. Шу боис, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси қуйи бўғинлардан Марказий Кенгаш даражасигача турли мавзулардаги ўқув-семинарлар ўтказишни янада кучайтириб, сиёсий ўқувларни таъсирчанлиги қамровини ўз фаолияти марказига қўймоқда.

Масъулият ва дахлдорлик

Сиёсий ўқиш

Партиянинг Андижон вилояти Кенгашида маҳаллий Кенгаш депутатлари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари раислари, Аёллар қаноти етакчилари иштирокида "Мустақкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда партия фаолларининг иштироки" мавзусидаги ўқув-се-

минари ташкил этилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Вилоят партия Кенгаши раиси Алишер Шодмонов жорий йилнинг 27 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустақкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳияти юзасидан маъруза қилди.

Давоми 2-бетда ➤

Ижтимоий адолат тамойиллари изчиллиги

мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймаслиқка катта эътибор қаратилмоқда

Депутат минбари

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг "ўзбек модели" аниқ ҳисоб-китобларга, ижтимоий-иқтисодий таҳлилларга асосланган ҳолда узоқни кўзлаб танлангани мамлакатимизнинг жадал ва барқарор тараққиётда ўз тасдиғини топмоқда. Бу ҳақиқат дунёнинг илғор давлатлари, халқоро экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Олиб борилаётган изчил ислохотлар замирида аҳолининг бандлигини ва турмуш фаровонлигини оширишда эзгу мақсад мужасам, албатта. Бунинг биринчи ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида айни шу борадаги ишлар қамрови кенгайиб, салмоқли натижалар қўлга киритилганида ва қатор хайри ишлар изчиллигида кўриш мумкин.

Давоми 4-бетда ➤

Фидойилик ва ташаббускорлик

...вилоят партия Кенгаши депутатлик гуруҳининг фаолияти ҳам камчиликлардан холи эмас. Хусусан, айрим маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан партия электротата дахлдор масалалар ечими бўйича тақлиф ва ташаббусларни илгари суриш бўйича журъат ва масъулият этишмаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Мавжуд камчиликни бартараф этишда вилоят партия Кенгашининг мунтазам равишда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида сиёсий ўқувларни ташкиллаштириб бориши талаб этилади.



2-бет

Йўллар — иқтисодиётнинг қон томири

2012 йил Дастурига мувофиқ, Ўзбек миллий автомагистрალი бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис хизматларини ривожлантириш тадбирлари ҳам кўзда тутилган. Жумладан, 19 та жойда кемпинг, 18 та жойда мотел, 36 та жойда АЁҚШ, 49 та жойда автомобилларни газ билан тўлдирувчи компрессорли станциялар, 78 та жойда тез-тиббий ёрдам хизмати пункти, 31 та жойда санитар-гигиеник шароитлардаги автомобиль тўхташ майдончалари, 9 та жойда эса барча шарт-шароитларга эга бўлган сайёҳлик объектлари, жами 240 та янги қурилиш амалга оширилади.



7-бет

Тут экинг, кам бўлмайси!

Ота экиб улғайтирган тут дархати узоқ йиллар давомида ҳосил беради, ўғиллар, набиралар, эвара-чеваралар ундан баҳраманд бўлишди. Тутга бир тўйган киши қишни беҳавотир ўтказди, деган гап бор. Тут — пишиқчиликнинг бошланishi. Тут пишиғига етиб олган қариялар дармонга қиради. Тутдан тайёрланган шинни истеъмол қилган кишининг вужудини шамоллаш, йўтал асоратидан халос бўлади.



8-бет

Партия ҳаёти

Фидойилик ва ташаббускорлик

Депутатлик гуруҳи

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол демократик ислохотлар ҳамда сиёсий модернизациялашув жараёнлари сиёсий партиялардан сайланган маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларидан ўз сайловчилари билан доимо алоқада бўлиши, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш борасида фидойилик ва ташаббускорлик кўрсатишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. 12-Янгиариқ сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Гулчехра Сатторова ҳам бу борада бошқаларга ўрнак бўлаётган фаоллардан бири ҳисобланади.

Депутат ҳар ойнинг учинчи жума кунини фуқароларнинг қабул куни деб белгиланган. Энг муҳими, депутат фуқароларнинг муурожаатларига бепарқ эмас. Иложи борича уларнинг оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қилади. Жорий йилнинг бугунги кунига қадар фуқаролардан 30 га яқин турли мавзуларда муурожаат ва шикоятлар келиб тушган. Жумладан, Г.Сатторованинг Янгиариқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Катта Маъит маҳалла аҳолисининг худуддаги савдо дўконларига терминал

нинг ортишига олиб келаётди. Яқинда Кармана туманининг Катта Маъит маҳалласида сайловчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Маҳалланинг бир гуруҳ фаоллари худудда мактабгача таълим муассасасининг йўқлиги, бори ҳам олисда жойлашганлигини айтишди. Масалани ижобий ҳал этиш учун Кармана туман ҳокимлигига депутатлик сўрови билан чиқиш режалаштирилди.

Бундан ташқари, партия депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши қошидаги "Қонунчиликни, ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш масалалари" бўйича доимий комиссиясининг биринчи чорақдаги иш режасига киритилган "Вилоятда ёшлар билан тизимли ишлаш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни спортга кенг жалб қилиш, ҳуқуқий ва маънавий дунёқарашини ошириш" масаласи юзасидан вилоятнинг Навбахор ва Қизилтепа туманларида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Бу иш юзасидан комиссияга тегишли хулосалар тақдим этилди.

Шу кунларда Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан маҳалла ҳақида маълумотлар берилди. Бу эса аҳолининг "Адолат" СДП депутатларига бўлган ишончи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Ижтимоий масалалар

фракция аъзолари диққат марказида

Давоми. Боши 1-бетда

Шунингдек, тижорат банкларидан депозит ва кредит операциялари бўйича амалдаги қонунчиликка риоя этилиши, давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назорат ташкил этилган, бюджетдан молиялаштирилувчи муассасалар текширилгани тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Фракция аъзолари Ўзбекистон "Адолат" СДП дас-

татларидан келиб чиқиб, давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлари, хусусан, таълим соҳаси учун ажратилган маблағларнинг тўғри ва мақсадли сарфланиши устидан назорат ташкил этилган, бюджетдан молиялаштирилувчи муассасаларга фракция аъзолари С.Турсунов, З.Ботирова, А.Раҳмонов ва О.Ахунвалар ўз муносабатларини билдиришди.

Фракция аъзоси А.Аҳадов давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши борасида йўл қўйилаётган камчиликлар устидан энг аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги соҳага дахлдор қўмиталар депутатлик назоратини кучайтиришлари лозимлигини таъкидлади. Қўрилган масала юзасидан тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг мутасаддилари йиғилиш иштирокчиларига маълумот берди.

Илҳос САХАТОВ, "Adolat" мухбири.

Масъулият ва дахлдорлик

Давоми. Боши 1-бетда

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини истиклол йилларида мустаҳкамлади ва у ҳар томонлама ривожлантирилиб келинмоқда, — деди маърузачи. — Мустаҳкам оила йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури шубҳасиз, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Шунингдек, маърузада 2012 йилдаги вилоят партия Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ҳар бир туман ва шаҳар партия ташкилоти

нинг иш режасида белгиланган барча тадбирларни ўз муддатида ва юқори савияда ташкил этиш кенгаш олдида турган энг муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди. Давлат дастурининг жойлардаги ижроси бўйича партия фаолларига аниқ тавсиялар берилди. Бу борада маҳаллалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

— Партияимиз мафқурасидан келиб чиқиб, биринчи навбатда кам таъминланган оилалар билан иш олиб боришимиз зарур, — дея алоҳида таъкидлаб ўтди маърузачи. — Бундан ҳар бир депутат ўз худудда Давлат дастури тартиботи ва ижросини таъминлашга киришиши, партия Кенгашининг Аёллар қаноти ўз фаолиятини янада жонлантиришлари зарур. Чунки оилаларнинг мустаҳкам-

лиги кўп жиҳатдан аёлларимизга боғлиқ.

Ўқув-семинар давомида аёлларни иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида жойлардаги Аёллар қаноти фаолияти хусусида ҳам сўз юритилди.

Вилоят партия Кенгашининг Аёллар қаноти етакчиси М.Мирзаева Президентимизнинг мазкур қарорида келтирилган "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар ширдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ишга масъулият ва дахлдорлик билан ёндашмоқ лозимлигини қайд этиб ўтди.

Тадбир доирасида иштирокчилар ўртасида сўровнома ўтказилди. Ана шу жараёнда тингловчилар ўқув мавзуси,

ушбу маънавиятини юксалтириш, уларнинг юртдаги ҳисиятини куч-ғайрати билан хизмат қилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш партияимизнинг устувор мақсадларидан биридир. Ўзбекистон "Адолат" СДП Бекобод тумани кенгаши ҳам ўз фаолиятига ана шу нуқтаи назардан ёндашмоқда.

— Бу каби сиёсий ўқишлар партияимиз фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга, партия мафқурасини бугунги кун талаблари асосида замонавий гоёлар билан бойитишга хизмат қилади, — деди Шаҳрихон тумани партия кенгаши раиси М.Мўйидинова. — Энг асосийси эса, партия кадрларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириб, улар масъулиятини ҳам кучайтиради.

Ўқув-семинар якунида амалга оширилган ишлар режаси белгилаб олинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ёшлар партия эътиборида

Хайрия тадбири

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг юртдаги ҳисиятини куч-ғайрати билан хизмат қилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш партияимизнинг устувор мақсадларидан биридир. Ўзбекистон "Адолат" СДП Бекобод тумани кенгаши ҳам ўз фаолиятига ана шу нуқтаи назардан ёндашмоқда.

Шу кунларда туман кенгаши Мустаҳкам оила йили муносабати билан амалий тадбирлар режасини янада кенгайтirdi.

Хусусан, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда вояга етмаганлар орасида қаровсизлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, ақидадарастлик ва бошқа ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмаслик, уларга замонавий таълим стандартлари асосида билим бериш ва касб танлашга тўғри йўналтириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Бўка шаҳридаги 15-сон Меҳрибанов уйда ўтказилди.

— Тадбирдан қўзланган асосий мақсад мустақил фикрли, юртга фидойи, ватанпарвар вояга етмаганлар орасида жон куйдурувчи ёшларни тарбиялашдир, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Бекобод тумани кенгаши раиси Зоҳида Сувонова. — Ёшлар аввало, Ватанимизнинг шонли тарихини чуқур билишлари, бугунги фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишлари ва ёт гоёларга қарши мафқуравий иммунитет

билмишларини мустаҳкамлаб боришлари лозим. Ўтказилаётган тадбирда эса ёшларга айнан шу мавзуларда кенг тушунчалар берилмоқда.

Тадбир давомида Бекобод туман Маданият уйи баддий жамоаси иштирокида халқимизнинг минг йиллик қадриятларини ўзида акс эттирилган концерт дастури намойиш этилди. Меҳрибанов уйи тарбияланувчилари ҳам ўзларининг баддий чиқишлари билан иштирокчиларни мамнун этдилар.

Тадбир сўнггида тўқтин дас-турхон атрофида жам бўлган тарбияланувчиларга хомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Даврталаб вазифа

Ўз-ўзини танқид

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши ўз сафларига 5410 аъзоларни бирлаштирган. Партия сафига киришни истовчилар сони кўпайиб бораётгани аҳоли орасида Ўзбекистон "Адолат" СДПга бўлган ишонч ортиб бораётганидан далолат беради. Партиянинг вилоят Кенгаши томонидан ўтказилаётган учрашувлар, довра сўхбатлари, семинар-тренинглар ва тадбирларда иштирокчиларнинг кенг қамровли аудиториясини жалб қилишга, бунинг натижасида партия аъзолари сафини кенгайтиришга эришилмоқда. Хусусан, ўтган 2011 йилда вилоят Кенгаши томонидан вилоятдаги қорхона ва ташкилотлар, ўқув юртларида 250 дан ортиқ ана шундай тадбирлар ўтказилди. Партия фаолларининг изланувчанлиги ва жонбозлиги натижасида партия сафлари 978 нафар янги аъзолар ҳисобига кенгайди. Бу яхши кўрсаткич, албатта.

Аҳоли орасида партиянинг дастурий гоёсини тарғибот-ташвиқот қилишда маҳаллий ОАВлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кен-

Партия фаолияти ва ҳаётига оид чоп этилаётган мақолалар, эфир орқали узатилаётган хабар ва лавҳалар ўз самарасини бермоқда. Натижада аҳолининг Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ҳаётий гоёлари ва инновацион лойиҳаларига бўлган қизиқиши ортиб бораётди.

Бунда албатта, бошланғич партия ташкилотларининг ўз ўрни бор. Бугунги кунда вилоят бўйича 150 та кўйи ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. БПТлар фаоллиги ошаганина ишда ҳам суръат, ўсиш бўлади. Бу борада Термиз шаҳар, Жарқўрғон, Узун, Қизилқум туманларидаги ишлар намунали йўлга қўйилган. Мазкур худудларда партияга аъзо бўлиш истагини билдирганлар сони ошиб бораётгани фикримизнинг яққол исботидир. 2011 йил давомида биргина Термиз шаҳар Кенгашининг аъзолари сони 200 нафарга ошди. Аъзолик тушумлари 1 миллион 909 минг сўмни ташкил этди. Турли мавзуларда ўтказилган тадбирлар маҳал-

лий ОАВларда ўз аксини топди. Партиянинг Термиз шаҳар Кенгаши ўз таркибига 30 та БПТни бирлаштирган бўлиб, уларнинг сони 600 нафардан ошиб кетди. Термиз шаҳар партия Кенгаши раис ўринбосари, халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Бекмурод Ашуров депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида сайловчилар билан учрашувларда билдирилган тақлифларни Термиз шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибига киритишга эришмоқда.

Худди шундай самарали ишлар Термиз туман Кенгаши, Жарқўрғон, Қизилқум, Узун туманларида ҳам кузатиляпти. Халқ депутатлари Қизилқум туман Кенгашига бўшаб қолган ўрин учун жорий йилнинг 5 февраль кунини бўлиб ўтган сайловда партияимиз депутатлари сони яна бир нафарга кўпайди. Натижада туманда Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари ҳисобланган депутатлар сони 11 нафарга етди.

Эришилаётган ютуқлар ўзимизники, аммо камчиликлар-

дан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Барча туман Кенгашиларида ҳам ишга масъулият билан ёндашилмаяпти. Хусусан, Бойсун, Ангор туман партия Кенгаши раҳбарларининг ўз вазифасига совққонлик билан қарши оқибатида бу туманларда иш оқсаб қолган. Партия аъзолигига қабул қилиш ва аъзолик бадалларини йиғиш, тадбирлар ўтказиш, аҳоли орасида партиянинг дастурий гоёларини ёйиш каби айрим масалаларда муаммолар мавжуд. Номингагина тадбирлар ўтказиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, раҳбар ўз ордидан бошқаларни эргаштира олмас, ишда ижобий силжиш бўлмайди. Турли самаларни рўқач қилиш билан камчиликлардан қутилиб бўлмайди.

Шу боис вилоят партия Кенгаши томонидан юқоридаги камчиликлар ўз вақтида ўрганиб чиқилди. Ушбу туманларда фаолият кўрсатаётган кенгаши раислари ўз вазифаларидан озод этилиб, уларнинг ўрнига ёш, сиёсий жиҳатдан

етук раҳбар кадрлар тайинланди. Худди шундай камчилик Шеробод ва Шўрчи туманларида ҳам кузатилди ва кенгаши раислари ўз вазифасидан озод этилди. Айни вақтда вилоят Кенгаши томонидан мазкур туман кенгашилари раислигига ҳам ўз вазифасига сидқидилдан ёндашадиган, билимдон, сиёсий етук, мустақил фикрига эга бўлган шижоатли кадрларни танлаш ва ишни намунали тартибда йўлга қўйиш устида ҳам изчил ишлар олиб боришмоқда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Партия етакчиси бўлиш катта масъулият талаб қилади. Бу ишни зиммасига олган киши, албатта, ўзини кўрсата олиши, ўз ордидан одамларни эргаштира билиши керак. Ишда ижобий силжиш ясаш учун янгидан янги имкониятлар излаш лозим. Зеро, турли баҳоналар эмас, балки имкон излаган ижобий натижаларга эришади.

— Сиёсий етуқлик, фаоллик ҳар бир раҳбарга керак бўлган муҳим хусусиятдир, — дейди

партиянинг вилоят Кенгаши раиси ўринбосари И.Қурбонов. — Давр ҳар биримиздан фаоллик, сезгирлик, ҳушёрлик, масъулиятни талаб қилади. Партия фаолларида ана шу жиҳатларни шакллантириш, шаҳар ва туман кенгашилари раҳбарларининг иш фаолиятини ошириш мақсадида режалар тузилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси жойлардаги партия кенгашилари ишини самарали йўлга қўйишда муҳим дастуриламалдир. Концепцияда белгилаб берилган вазифалар асосида режалаштирилган ишлар изчил амалга оширилса, жойлардаги мавжуд камчиликлар самарали бартараф этилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Наврўз — кўнгил мунавварлиги

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Бугун дунёнинг тараққий топган кўп давлатлари иқтисодий таназзулдан азият чекмоқда. Ишчи ўринлари қисқариб, ишлаб чиқариш кўлами, ялпи ички маҳсулот ҳажми пасайиб бораётгани боис, оддий меҳнатқашлар ҳаётида жиддий муаммолар пайдо бўлаётди. Бу муаммони ҳам биргалашиб, бамааслаҳат ҳал қилиш мумкин. Шундагина, дунё ҳаловат бешигига айланади. Бундай бешикда дунёнинг ўзи ҳам ором топади...

Ҳар гал Наврўз эшик қоқиб келаётганида шу туйғулар ҳаёлимдан ўтади. Бу улуг тенглашув зиммасида нечоғли буюк масъулият мавжудлигини ҳис этаман. Наврўз баҳорий кайфият, шўх-шодонликлар, тансиқ таомлар, қизалоқлар соҳидаги толпоқларгина эмас, у янги умид, янги режа, руҳиятимиздаги янги тозарий аёйми ҳамдир. Наврўз ҳаёт чирогининг ўчмаслигидан, она замин буюк само бағрида айланар экан, бобо кўёш мангу нур сочидан далолат.

Наврўзда бу донишманд дунё кўркамлик либосига бурканади, табиат уйғонади, туйғуларимизда ҳам уйғониш, тиниқлашиш юз беради, кўчалар, ҳовлилар тартибга келтирилади. Ҳосил далалари етилиб кўпчилади. Қушлар симфонияси, кўламоий кўшиқлари авжга чиқади. Бу айёмда бир-биримизга анча меҳрибон ва яқин бўлиб қоламиз. Эзгу ниятлар қилиб, бир-биримизни бағримизга босамиз. Гина-қудратлар унутилади, қиш бўйи уникқан хоналарнинг дерзалари очилиб, мусаффо ҳаво вужудимизга сингади. Дошқозонда



маҳалла маъкеини кўтариш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг буюк аждодларнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади. Бу ерда яна шуни таъкидлаш ўринлики, дунёда иқтисодий бўҳрон давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда жамиятнинг бош ячекаси бўлган оилани, айниқса, ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш режаси қабул қилинди. Вазирлар Маҳ-

қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин".

Давлатимиз раҳбари жорий йилда, шунингдек, муқобил энергия ресурсларини излаш ва ҳаётга жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидорболлигини таъминлаш, бунинг учун мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада унумли фойдаланиш, қишлоқ-ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини ошириш, маҳаллий хомашё ва материаллар асосида санаят кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни изчил давом эттириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жаҳон андозаларига мослаш каби долзарб вазифалар диққат марказида бўлиши зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди. Бу вазифалар, Президентимизнинг кўрсатмалари, энг аввало, инсон фароғати, оилаларнинг мустаҳкамлиги, ҳаётимизнинг тинч-тотувлиги, азиз фарзандларимизнинг камоли учунлигини ҳис этиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Ҳадемай юртимизга Наврўз кириб келади. Бу кутлуг байрам маънавий ҳаётимизнинг мазмунига айланган бораётди. Наврўз тароналари жанубий вилоятларимизда бошланиб, бутун мамлакатни, қалбларимизни қамраб олади. Бу байрамда қилинган эзгу ниятлар, кексаларимизнинг дуолари ижобат бўлсин, мустақил Ватанимиз янада файзли ва кўркам бўлиб бораверсин. Тинч-тотувлигимизга кўз тегмасин.

Худоёр МАМАТОВ.

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган махсус дастур асосида академиянинг Иссиқлик физикаси бўлимида нанотехнологиялар соҳасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар диққатга сазовордир.

Хусусан, келажак тараққийти учун асос бўлишига умид боғланаётган нанотехнологиялар негизига қўйилган нанофизика нисбатан ёш соҳа бўлишига қарамай, долзарблиги сабабли жуда тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирча замонавий физиканинг ушбу йўналиши асосан фундаментал кўринишга эга.

Айни пайтда институт олимлари нанофизиканинг қатор долзарб масалалари юзасидан кенг кўламли илмий изланишларни ҳаётга татбиқ этмоқдалар. Водород энергетикасининг олдида турган долзарб муаммолар, водород моддасини сув ёки бошқа сувоқлик молекулалари орасида юзага келувчи наноқопконларда сақлаш, нанотармоқлардан фойдаланишга асосланган термоэлектрик наноматериаллар яратилиши, ахборот етказиш самарадорлиги ўта юқори наноўлчамли мезоскопик системаларга асосланган тармоқлар яратилишига оид илмий лойиҳалар шулар жумласидандир.

Келажак фани бўлган нанофизика нанотехнология йўналишидаги бундай тадқиқотларда ёш олимлар ҳам ўз салоҳиятини намойён этмоқда. Хусусан, институтнинг стажёр тадқиқотчи изланувчиси Жамолдин Раззоқов томонидан яратилган водород ёқилғисини наноструктураларда сақлашнинг хавфсиз ва самарали модели дунё илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳозирги вақтда бутун дунё олимлари олдида турган долзарб масалалардан бири, бу — келажакда қайта тикланадиган энергия манбаларини топиш ва уларни халқ ҳўжалигида татбиқ этишдир, — дейди ёш олим. — Бугун бир қатор давлатларда кўёш ва шамол генераторлари орқали муқобил энергия олиш кенгайиб бормоқда, аммо дунё мамлакатларининг ҳаммасида ҳам бу энергия турларидан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас.


Мазлумки, ер юзи аҳолиси учун асосий энергия манбаи ҳисобланган нефт захираси йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундан ташқари метан газини захирали дунё океанлари ва денгизлар тубида жуда юқори босим остида клатрат ҳолида мавжуд. Метаннинг хавфсиз ҳолда олиш ва самарали фойдаланиш борасидаги қийинчиликларни гапирмасам ҳам бўлади.

Шу боис, илмий доираларда келгусида кенг миқёсда ҳар қандай ҳудуд ва турли иқлим шароитларида фойдаланиш мумкин бўлган нанотехнология энергия манбаи — водород энергияси ҳақидаги назариялар аллақачон илгари суриб келинмоқда. Бундай ишонч ҳосил бўлишининг асосий сабаби водород энергиясининг қайта тикланувчанлиги билан боғлиқ, бу эса битмас-туганмас энергия манбаи эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари водороднинг энергетик қуввати бошқа ёқил-

Нанотехнологиялар — инновациянинг муҳим асоси

гиларга нисбатан бир неча ўн баробар юқори бўлиб, у ёнганда кислород билан биригиб ўзидан буғ ҳолатидаги сув чиқаради, ундан эса филтрланган сув сифатида турли мақсадларда қайта фойдаланиш ҳам мумкин. Энг муҳими водороддан фойдаланилганда атоф-мухитга ҳеч қандай зарарли модда ажралмайди. Бугун айрим ривожланган давлатларда водород энергияси ёрдамида юрадиган автомобиллар намунаси ишлатилаётгани ва водород ёрдамида электр энергияси олишда фойдаланилаётгани эса ҳеч кимга сир эмас.

Водород энергиясидан фойдаланишнинг асосий қийинчиликларидан бири — уни самарали ва хавфсиз сақлаш билан боғлиқ. Бунинг учун аввало назариячи физик олимлар экспериментаторларга оптимал модель тақлиф қилишлари зарур ҳисобланади. Назарий натижаларни экспериментаторларга тақлиф қилиш мақсадида Иссиқлик физикаси илмий текшириш институтининг Hewlett-Packard компаниясининг энг замонавий HP Proliant Cluster компьютеридан фойдаланилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад назарий натижаларнинг аниқлигини ошириш ҳамда турли хилдаги наноструктуралар системаларини тадқиқ қилишдир. Водородни сақлашдаги асосий муаммо унинг жуда юқори босим ҳосил қилишидир. Агар водород сақланаётган ҳажмининг 4 фоиздан кўпроқ қисминини ташкил қилса



муаммосига турли хил йўللар билан ёндашишмоқда. Аммо хорижий олимларнинг яратган моделларини амалиётда қўллаш жуда катта молиявий харажат талаб этади. — Биз тақлиф қилаётган модел эса нисбатан арзонлиги билан ажралади туради, — дейди ёш тадқиқотчи. — Чунки мазкур модель сув, киринди молекулалар тетрагидрофуран (C₄H₈O) ва диметилформамиддан (C₂H₅NO) ташкил топган. Муқим босим ва температурада сувда кластерлар ҳосил бўлади. Ушбу кластерларнинг ичида водород концентрациясини ошириш устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдамиз. Мақсади-

навбатда камайди. Учинчидан, тетрагидрофуран молекуласи концентрацияси ошганда эса водород концентрацияси 2 фоиздан камроқ бўлади.

Тадқиқотларимиз асосан GROMACS (Groningen Machine for Chemical Simulations) дастурий тизимидан фойдаланган ҳолда бажарилмоқда. Авваллари ҳисоблаш амалиёти жуда кўп вақтни оларди. Ҳозир эса HP Proliant кластер компютери (ядролар сони — 60 та, оператив хотира — 80Gb) ҳисоблашлари тез ва сифатли амалга оширишда кўп келмоқда. GROMACS дастурий тизими ёрдамида кўлга киритган ютуқларимиз амалий натижаларга жуда яқин келмоқда. Хусусан, T=257K (T=-16C) температура ва P=1atm. босимда барқарор ва 4,3 фоиз водород жойланган сув кластери стуктурасининг компютер моделини олдик. Кўлга киритган натижаларимиз дунё илмий журналларида чоп этиб келинмоқда ва бу борада Германия, Англия, Япония, Корея олимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Уйлаймизки, яқин келажакда бизнинг назарий тадқиқотларимиз амалиётда ўз ифодасини топади ва нисбатан арзон, экологик тоза водород энергиясидан фойдаланишда кенг қўлланилади.

Дарҳақиқат, Республика Фанлар академияси томонидан мамлакатимизда нанотехнологияларни ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқиши бу йўналишдаги илмий ва амалий ишларни янада ривожлантириш ҳамда уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда муҳим омили бўлмоқда. Бундай ишлар келгусида нанофан ва нанотехнологияларнинг фундаментал асосларини изчил ривожлантириш, унинг натижаларини ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кенг татбиқ этиш жамият тараққийтини юксалтиришда ўз самараларини бериши, шубҳасиз.

Илёс САХАТОВ, "Adolat" мухбири.

Наврўзда бу донишманд дунё кўркамлик либосига бурканади, табиат уйғонади, туйғуларимизда ҳам уйғониш, тиниқлашиш юз беради, кўчалар, ҳовлилар тартибга келтирилади. Ҳосил далалари етилиб кўпчилади. Қушлар симфонияси, кўламоий кўшиқлари авжга чиқади. Бу айёмда бир-биримизга анча меҳрибон ва яқин бўлиб қоламиз. Эзгу ниятлар қилиб, бир-биримизни бағримизга босамиз. Гина-қудратлар унутилади, қиш бўйи уникқан хоналарнинг дерзалари очилиб, мусаффо ҳаво вужудимизга сингади.

сумалак қайнайди. Қозон атрафида табаррук онахонларга қўшилиб буй етган қизлар, келинчақлар рақсга тушадилар. Бу мунавварликлар инсон қалбига кўчади, қалб боғларида ҳам тозарий юз беради.

Наврўзни қандай кутиб олишимиз, бу табаррук айёмга ўзимизни қандай қоғлашимизда гап кўп. Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан жорий йил "Мустаҳкам оила йили" номини олди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Давлат дастурида оилани ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, бу борада давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни янада кучайтириш, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаш, мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш,

камасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққийтини янги босқичга кўтаришдаги йил бўлишини таъкидлар эканлар, бу йилнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилан бердилар: "Бугунги кунда кўплав ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзасиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодийни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган

Ҳаётини ғоя ва қарашлар уйғунлиги

Бошлангич таъкилотларда

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ўз сафларини изланувчан, ташаббускор, сиёсий етук, партиянинг ғоя ва мақсадларига садоқатли хотин-қизлар ҳисобига кенгайтириб бориш ишига асосий вазифаларидан бири сифатида ёндашмоқда. Жойлардаги партия ташкилотларининг кенг қамровли фаолияти самараси ўларок, бугунги кунда сафларида турли касб-ҳунар эгалари бўлган 3 мингдан ортиқ хотин-қизлар ҳамжиҳатликда бир ғоя, бир эзгу мақсад йўлида бирлашган.

Айниқса, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб этишда бошлангич партия ташкилотларининг фаол қисми ҳисобланган аёлларнинг ўрни алоҳида. Буни биргина партия Кенгашининг йирик куйи ташкилотларидан саналган Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери қошидаги БПТ томонидан ташкил этилган тадбир мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур тадбирда Мустаҳкам оила йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури тарғибига уйғун равишда "Адолат" СДП илгари сураётган ғоя ва мақсадлар кенг ташвиқ қилинди. — Мамлакатимизда ижти-

моий йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ора-сида хотин-қизлар, она ва бола саломатлиги масалалари марказий ўринни эгаллаб келмоқда, — деди ўсмирлар диспансери бош шифокори, БПТ раиси Маҳбуба Арифхонова. — Бунда асосий эътибор соғлом она — соғлом бола, никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўриги, оммавий спортни ривожлантириш, оила мустаҳкамлиги, таълим, бандлик, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий билиминини юксалтириш, жамият тараққийтидаги иштирокини кенгайтириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларга қаратиб келинмоқда. Бундай

қараш ва саъй-ҳаракатлар айланган Ўзбекистон "Адолат" СДП ғояларига тўла мос келади ва бундай ёндашувлар партия сайловолди дастуридан ҳам ўрин олган. Бу албатта, партиянинг ғояларининг ҳаётийлигини исботлаб турибди. Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда оилалар чироғи бўлиши хотин-қизлар масаласи оила институти янада юксакроқ аҳамият касб этаётганлигининг яна бир исботидир. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури тўғрисидаги Қарорда оила мустаҳкамлашда асосий

юкни ўз елкасига олган аёлларга бўлган эътибор эгалланганлиги мамнуният билан қайд этилди. — Мазкур Қарорда эътироф этилган. — деди БПТ фаоли, врач Саида Пратова, — "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойил бугунги замон зайлига жуда мос бўлиб, мустақил давлатимиз тараққийтининг, айниқса, ҳозирги босқичда жуда муҳим ва ўта долзарб ҳисобланади. Тадбир давомида бошлангич ташкилот ўз фаолиятида асосий эътиборни фуқароларнинг, айниқса, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкам-

лаш, ўсмир йигит-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларни оилага тайёрлаш, фарзандларимизни ўзининг мустақил позициясига эга, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, ҳар томонлама баркамол инсон этиб вояга етказиш, уларда жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодисага дахлдорлик ҳиссини шакллантириш эртанги кунимизнинг гарови эканлиги юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришга қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Концепция:
устувор вазифалар

Ўзбекистонда парламент ислохотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши, икки палатали Олий Мажлисининг шаклланиши ва фаолият олиб бориши парламентнинг олдига назорат функциялари билан боғлиқ янги вазифалар юклади. Бинобарин, қонунларга риоя қилиш ва уларни ижро этиш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилган парламент назорати институти муҳим аҳамият касб этади.

Парламент назорати институти

ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви — давр талаби

Чунончи, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари, аниқроғи, уларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қонунларнинг адолатли, халқчил бўлишини, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқибли, қабул қилинишини ҳамда ушбу қонунларнинг амалдаги ижросини тўлиқ таъминлашни тақозо этади.

Парламент назоратининг аҳамияти шундаки, у биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш; иккинчидан, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш; учинчидан, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш; тўртинчидан, тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгаришлар киритиш; бешинчидан, давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қонда-талабларига сўзсиз амал қилиш масъулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

Конституцияимизнинг 85, 86-моддаларида Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раисининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, парламент палаталари қарорлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва қолати белгилаб берилган. Конституциянинг 87-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўмиталари нафақат қонунларни тайёрлаш, қўриб чиқиш, балки улар ижросини назорат ҳам қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назорат фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини қисқача таҳлил қилиш асосида мамлакатимизда парламент назоратининг асосий йўналишлари сирасига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, парламент палаталари ва уларнинг кўмиталари қарорлари ижроси устидан парламент назорати, молиявий соҳада парламент назорати, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида парламент назорати, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган муҳим сиёсий қарорлар ижросига оид парламент назорати каби назорат турларини киритиш мумкин.

Дунёдаги ривожланган давлатлар, хусусан, Буюк Британия, Франция, Германия, АКШ, Италия, Япония, Исроил, Канада, Корея, Туркия, Австралия ва қатор бошқа давлатлар парламентлари тажрибаси асосида таҳлил юритадиган бўлсак, ҳозирги кунда ижро этувчи ҳокимият ва унинг органлари устидан амалга оширилган парламент назорати асосан қуйидаги шаклларда намойён бўлади: парламент сўрови, парламент эшитуви, депутат сўрови, парламент суриштируви, парламент санкцияси — бюджет маблағларини қисқартириш хавфи, ишончсизлик вотуми, вазирларга сўровномалар юбориш, молиялаштириш устидан назорат ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш борасида амалга оширилётган ислохотлар — авваломбор, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаш-

тириш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 25-26 март кунлари бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида қатор бошқа масалалар билан бирга "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам маъқулланди. Мазкур қонун 2011 йил 19 апрелда матбуотда расмий эълон қилинди ва кучга кирди.

Мазкур Қонуннинг қабул қили-

каси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади. Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Мамлакатимизда ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши орқали парламентимиз ҳукумат фаолиятини назорат қилишининг таъсирчан воситасига эга бўлади. Бу эса, ўз нав-

Парламент назоратининг аҳамияти шундаки, у биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш; иккинчидан, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш; учинчидан, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш; тўртинчидан, тегишли қонунларга назорат-таҳлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгаришлар киритиш; бешинчидан, давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қонда-талабларига сўзсиз амал қилиш масъулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

ниши энг аввало, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу Қонун билан Конституцияимиз моддаларига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар мамлакатимизда парламент назорати институти янада такомиллашуви, мамлакат парламенти томонидан ижро ҳокимияти фаолияти устидан амалга оширилган парламент назоратининг самарали воситаларини жорий этилишига олиб келади.

Хусусан, Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умий сонининг камидан учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган тақлиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умий сонининг камидан учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республи-

батаида, ҳукуматнинг масъулиятини ошириш баробарида унинг фаолиятида очкилик ва ошқоралиқни таъминлаш ҳамда қонунийликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юқоридагилар билан бирга, Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Конституциянинг 78-моддасида белгилаб қўйилган биргаликдаги ваколатлари қаторига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш масаласининг ҳам киритилиши бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Асосий Қонунимизнинг 80-моддасига киритилган қўшимчаларга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилди. Мазкур ваколат Сенат ваколатини кенгайтириш ҳамда Давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати механизмларини такомиллаштиришга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да илгари сурилган сиёсий тизимни модернизация қилишда амалга оширилиши лозим бўладиган чора-тадбирларнинг қонунчиликка киритилиши ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан амалга оширилган парламент назорати институтининг янада такомиллашувида, бу соҳадаги мавжуд механизм самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бош илмий ходими.

Ижтимоий адолат тамайиллари изчиллиги

мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратилмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Хусусан, 2011 йилда мамлакатимизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Эки сўнги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, янада аниқроқ айтганда, даромадларидаги фарқ коэффициентини 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Бу коэффициент Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Алоҳида эътироф этиш керак, айни пайтда аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятдан олинмоқда. Бу эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига бўлган юксак эътибор намунаси. Муҳтарам Ўртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидаги қуйидаги сўзлар ҳам бунга исботлаб турибди: "Шуни таъкидлаш лозимки, Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган мақсад, принцип ва қондаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилгани барчамизга маълум."



Дарҳақиқат, бундай сиёсатни, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида мазкур соҳа мамлакатимизда нафақат шаклланди, балки унинг мустақам пойдевори ҳам яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибиде ҳал қилувчи тармоққа айланиб, ижтимоий фаол аҳолининг катта қисмини қамраб олди.

Қолаверса, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузидаги маърузасида "Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида

оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди" дея алоҳида таъкидланганлари ҳам соҳага бўлган юксак эътибор намунаси.

Бундан англаш мумкинки, мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамайилларини мустақамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратилмоқда. Бу каби олиб борилаётган сиёсат эса Ўзбекистон "Адолат" СДП госяи ҳамда сайловли дастурига тўла ҳамоҳангдир. Чунки партия Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Ислохот ислохот учун эмас, авваломбор инсон учун" тамайиллари риоя қилади. Келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурлари-

ни бажаришда фаол иштирок этади. Қолаверса, аҳолининг ҳақдан ташқари камбағаллар ва бойларга бўлиниб табақаланишига йўл қўймаслик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси эканлиги партия сайловли дастурида аниқ белгилаб қўйилган. Буларнинг ҳаммаси партияимизнинг асосий госяларидан бири — ижтимоий адолат тамайиллари ижроси мамлакатимизда сиёсий партиялар томонидан ҳам изчил олиб борилаётгани ва фаол қўллаб-қувватланаётганидан далолатдир.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Мурувват ҳам фаолият

Ижтимоий ҳимоя

Кексаларни эъозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб фазилатлардан биридир. Зеро, "Қариси бор унинг париси бор" деган пурмазно ҳикмат ҳам бейизга айтилмайди. Уларнинг дуолари, панду насиҳатлари билан оилаларимиз мустақам, хонадонларимиз тотув ва файзлидир. Бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимиз, жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасида қўлга киритилаётган ютуқларимиз замирида ҳам кекса авлод вакилларининг чеккан заҳматлари, мустақам иродолари, жамиятимиз тараққиёти учун бевосита қўшган ҳиссалари мўжассамдир.

Шу маънода мамлакатимизда муҳтарам Ўртбошимиз раҳнамолигида кексаларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустақамлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилаётган юксак эътибор

ва гамхўрлик таҳсинга сазовор. Бу борадаги хайрли ишларда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, нодавлат мустақамлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга ва тадбирларини ҳам эътироф этиш жоиз.



Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика пансионатида ташкил этилган "Кўнглига ёшлик улашиб" мавзуддаги маданий-маърифий хайрия

тадбири ҳам нуруний отахонахонларнинг кўнглига баҳорний илиқлик улашиб, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлардан уларни кенгроқ хабардор қилиш мақсадни кўзлаган.

Тадбирда сўзга чиққан партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Пармонова, Олмазор ҳамда Чилонзор тумани кенгашлари раиси М.Алибаева, Ҳ.Ражабовлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлардаги ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхтади.

Баҳорни, Ватанни мадҳ этувчи миллий куй ва қўшиқлар тадбир иштирокчилари кўнглига байрамона руҳ бағишлади.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.



Ўзбекистон — жаҳон бозорига



«Биз ўргандик — энди биздан ўрганишсин»

Ўзлаштиришга манфаатдорлик билан қарамоқда. Жумладан, «Амин Интернейшнл» да 2010 йилда 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги модернизация ишлари бажарилди. Натижада корхона қуввати, экспорт имкониятлари сезиларли даражада ошди. Яқунланган йилда жамoa 2 минг тонна толани қайта ишлаб, хорижий харидорларга 2 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот етказиб берди.

Совринлар билан тақдирланган, фойдали шартномалар имзолаган «Амин Интернейшнл» раҳбари Эмма Кас-тамирова корхонанинг экспорт салоҳияти ортиб бораётганини тасодифий эмаслигини, бу мамлакатимиздаги соғлом иқтисодий сиёсатнинг амалий ифодаси эканлигини таъкидлайди.

Хозир биз жаҳоний рақобатга мос ақлий салоҳиятга ҳам, нозик дид ва ижро маҳорати- га ҳам, энг мукамал технологияга ҳам эгамиз.

Самарқанд вилоятининг чекка қишлоғидаги мазкур енгил саноат корхонасида ҳозир 600 киши юқори даромадли доимий иш билан банд. Жамoa жорий йилда 4,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ўтган йилга нисбатан икки баробар кўп тайёр маҳсулотни экспортга чиқариш- ни мўлжаллаган. Бунинг учун эса барча шароит бор. Де- мак, Ўзбекистон маҳсулоти дунё бозорига янада хари-

Мақсадимиз — барқарор сифатли тиббий хизмат

Аҳоли соғлиги — юрт бойлиги

Мустақил мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш ишлари изчил бораётгани, доволанш профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва доволанш жиҳозлари билан таъминлаш учун биргина ўтган йили қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион АҚШ доллар ҳажмида хорижий имтиёзли кредитлар ва грантлар йўналтирилгани Президентимиз шу йил 19 январда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида фахр билан таъкидлаб ўтдилар. Қолаверса, юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқлар 2011 йилда Тошкентда ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО ва Ўшқо нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам юксак баҳоланди.

Биргина бизнинг Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда 2011 йил давомида 42200 нафар аҳолига хизмат кўрсатилди. Шундан 26164 нафари (62,0 фоиз) катталар, 13185 нафарини (31,2 фоиз) 14 ёшгача бўлган болалар, 2851 нафарини (6,7 фоиз) ўсимирлар ташкил қилиб, 10808 нафари (25,6 фоиз) туғиш ёшидаги аёллардан иборат бўлди. Туман аҳолисида 205 ўринли: жумладан, 30 ўринли силга қарши кураш диспансери, 175 ўринли туман марказий шифохонасининг стационар хизмати, 400 қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва ҳар бири 50 қатновга мўлжалланган 7 та: Ипак йўли, Тошкент, Пахтазор, Янгидала, Ўзбекистон, Гулзор, Бобон қишлоқ врачлик пунктлари томонидан аҳолига сифатли тиббий амбулатор-поликлиника хизмати кўрсатилди.

Ўзбекистон «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига болалар саломатлигини асраш борасида катта гам-хўрлик кўрсатаётган энг илгор етакчи ўн та мамлакат қаторига киритилган экан, бирлашмамиз тиббиётчилари бундан буён ҳам эл-юртга ана шу гамхўрлик даражасида барқарор сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсади билан меҳнат қилади.

Б.СУЮНОВ, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

Сохта ҳисоботлар одати қачон тугайди?

Партиялараро мунозара

Бугун мамлакатимизда барча жабҳаларда кенг кўламли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳатто олис қишлоқ жойларида ҳам улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари олиб борилмоқда. Босқич-ма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу ислохотлар замирида эса, аввало, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигига эришишдек эзгу мақсад мужассам.

Ислохотлардан кўзда тутилган натижага эришилаётганлиги — замонавий ва кўркам таълим муассасалари қад ростлаётганлиги, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маъиший объектлар ишга туширилаётганлиги, бу — пировард натижада халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бироқ утуқлар билан бирга жойларда баъзи камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда муҳим ўрин тутган бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш борасида айрим туманларда сохта ҳисоботлар ортидан қувиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Наманган вилоятининг Чортоқ туманида бўлганларидек, айни шундай ҳолатга гувоҳ бўлдик.

Туманда 2011 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ишлаб чиқилган. Мазкур Дастурга асосан ўтган йил мобайнида жами 4586 та янги иш ўрни барпо этиш кўзда тутилди, амалда жами 4653 та, яъни, бу борадаги режа 101,5 фоизга удалланган. Хусусан, Дастурда саноат (95 та — 100 фоиз) ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлик (650 та — 100 фоиз) йўналишлари бўйича қилинган ишлар талаб даражасида, яъни, туман бўйича жами 130 та, шундан 1 та катта, шунингдек, 129 та кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 1576 та янги иш ўрни яратилган. Белгиланган режа 100,4 фоизга бажарилган.

2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан қишлоқ жойларида юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш кўзда тутилган. Шу асосда янги иш жойларини мушаккаллаштириш, аҳолини кўпроқ иш билан таъминлаш ва фаровонлик даражасини ошириш асосий мақсад қилиб белгиланган. Аммо бу борада бор-йўғи битта — туманининг Алихон қишлоғида жойлашган, боғдорчилик маҳсулотларини қайта ишловчи «НамСилАгроБизнес» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси- гина ўзининг 23 нафарлик ишчи-хизматчилари билан фаолият кўрсатмоқда, холос. Холбуки, мазкур қарорда асосий

Кўриб турибдики, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган, аҳолисининг асосий қисми аграр секторда банд бўлган Чортоқ туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни барпо этиш борасида мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланилмади. Бундай ўзбўларчилик, сусткашлик ва лоқайдлик аҳолини, айниқса, ёшларни мушаким иш жойлари билан таъминлашга нисбатан салбий таъсир кўрсатди.

Дарвоқе, тумандаги 9 та касб-хунар коллежини ҳар йилга юзлаб ёшлар битириб чиқмоқда. Маълумотларга кўра, 2010-2011 ўқув йилида 3504 нафар битирувчи ўғил-қизнинг 3235 нафари ўрта махсус касб хунар таълими шаҳодатномаси билан катта ҳаётга йўланма олишган. Ҳозир уларнинг 3247 нафари муҳим иш билан таъминланганлиги расмий ҳисоботларда қайд этилмоқда. Бироқ ҳисоботларга аниқ солиштирма таҳлиллар асосида ёндашилса, битирувчиларни ишга жойлаштиришда айрим кўзбўямачиликларга йўл қўйилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

2011 йил Тиббиёт коллежини 847 нафар ўғил-қиз битирди. Улардан 793 нафари (93,6 фоиз) ишга жойлаштирилган. Бироқ фактлар манзаранинг бошқачароқ эканлигини кўрсатмоқда. Азизбек Сотиболдиев, Мунира Абдуллаева, Нозима Абдуллажонова, Озода Акбарова, Мунира Раҳимова, Наргиза Қорабаева, Рисолат Мухторалиева, Муаттар Абдуллаева, Майрамо Абдуллаева, Зиёда Ортиқова, Гулноза Пулатова, Равзахон Мажнунова, Нафиса Азизова сингари ўнлаб битирувчилар билан туман тиббиёт бирлашмаси уч томонлама шартнома имзолаган. Мавжуд ҳисоботларда мазкур шартнома шартлари тўлиқ бажарилганлиги, битирувчилар доимий маошли иш билан таъминланганлиги, уларга чиқарилган буйруқлар ёзувга киритилганлиги қайд этилади. Аслида эса, тилга олиб ўтилган битирувчиларнинг бирор нафари ҳам Туман тиббиёт бирлашмасига ишга жойлаштирилмаган. Ажабо, бу нима, ўзини ўзи алдашми ёки қонунни менсимасликми?

Худди шундай ҳолга тумандаги Педагогика коллежида ҳам гувоҳ бўлдик. Масалан, мазкур коллежини 2009-2010 ўқув йилида тамомлаган Мухтасар Зиямуддинова ва Зухра- хон Асқарова 18-ўрта мактаб билан, Хуснида Дедабоева 19-ўрта мактаб билан, Гулчехра Хайдарова ҳамда Мамлакат Иномова 15-ўрта мактаб билан, Нафиса Шербоева 48-ўрта мактаб билан уч томонлама шартнома имзолаган бўлса- да, «анъана» яне ўзгача давом этди. Жумладан, Ўқтамхон Одилова тумандаги 33-ўрта мактабга тўғрақ ташкилотчиси сил- фатида 2011 йилнинг 15 август-ида 86-сонли буйруқ билан ишга қабул қилинган. 2011 йилнинг ноябрь ойида мазкур коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳолатини ўрганиш бўйича маниторинг ўтказилиб, у ҳужажуринга ўтказилганлиги аён бўлиб қолди. Мазкур текширув жараёнида тузил-

ган далолатномаларнинг аксарини тасдиқлашда мониторинг масъули Одилжон Мукаррамов бошчилигида тумандаги «Sahy Sadridin xususiy firmasi», «Haydarov Ikrom Ergash-boyeovich», «Mirzaliyev Saydulla Davlatovich» ва шу сингари бир неча яққа тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар корхона муҳрларидан «оқилана» фойдаланишди. Яъни, битирувчилар билан тузилган уч томонлама шартномаларда кўрсатилган манзиллар бутунлай бошқа-ю, муҳрлар юқориди тилга олиб ўтилган яққа тадбиркорларни бўлиб чиқди.

Савол тугилади: туман ҳокимлигидаги мутасаддилар, қолаверса, сайловларда битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш устувор вазифаси эканлигини ваъда қилган, бугунги кунда халқ депутатлари туман Кенгашида энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган ЎзХДП депутатлик гуруҳи ва партиянинг туман Кенгаши нега сукут сақлаяпти? Ахир бандлик масаласига устувор вазифа сифатида қараётган ХДП вакиллари маҳаллий Кенгаш депутатларининг 18 нафарини ташкил этади-ку! Балки, халқ депутатлари Чортоқ туман кенгаши сессияларида ЎзХДП депутатлари ўз партиядоши, туман ҳокими Алишер Бойхоновни аяшаётгандир...

Йўл белгилари қуёш батареясида ишлайди

Пойтахтимиз Тошкент кўчалари ИИББ Йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан қуёш энергиясига ишловчан йўл белгилари ўрнатилмоқда. Йўл белгиларининг таъминот манбани эса қуёш батареясида куч оладиган конденсатор ҳисобланади. Унинг заряд олиши учун атиги 2-4 соатли ёруғ кун кифоя қилади.

Таъкидлаш керакики, қуёшли юрт ҳисобланган мамлакатимизда мўқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг февралда Осиеъ тараққиёт банки кўмағида Қуёш энергияси халқаро институти иш бошлади. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўзининг сайловолди дастурида мўқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масаласига устувор аҳамият қаратишини маълум қилган ҳолда жойларда чиқиндидан биогаз ва биоугит олиш тажрибасини йўлга қўйишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиряпти. «Ўзбекэнерго» ДАКнинг маълумотида кўра, бугунги кунда мамлакатимизда бешта қуёш ва шамол электрстанциялари фаолият кўрсатмоқда.

Саидилми АБДУРАХМОНОВ, «Adolat» мухбири.

Ўз мухбиримиз.

Жараён

Реклама



“АГРОБАНК” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT БАНКИ

43 акциядорларини, миждозларини ва барча юртнонларимизни НАВРЎЗ айёми билан самимий қутлайди! НАВРЎЗ Сизга БАХШИ ва ОМАД келтирсин!


Мижоз ишончини оқлаш — шарафли бурч

«Агробанк» очик акциядорлик банкининг Сирдарё вилоят бошқармаси эшигидан чиқиб келаётган танишим хушнуд кайфиятда эди: — Оғайни, пластик карточка олдим. Тушунтиришди. Жуда қулай восита экан. Банк томонидан чиқарилган, шахслаштирилган тўлов воситаси дейишди. У карточка эгасининг тегишли банкда счёти борлигига гувоҳлик бериб, нақд пул тўламасдан товарларга ва хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини бераркан, аломат-ку!

Ҳа, пластик карточка — нақд пулсиз чакана тўловлар тизимида энг қулай тўлов воситаси. Негаки, электрон ҳамён орқали ҳисоб-китоб тез ва осон амалга ошади. Энг муҳими, пластик карточка орқали савдо қилиш ёки хизмат кўрсатиш — нақд пулнинг банкдан ташқари айланганини камайтиради ва хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартиради. Яна бир жиҳати, пул маблағларидан фойдаланишнинг хавфсизлиги таъминланади.

Сирдарё вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2010 йил 19 апрелдаги қарори ижроси борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аввало,

бошқарманинг 12 та филиалларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизimini кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида миждозлар билан кенг турда тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Президентимиз ва ҳукуматимиз қарорлари асосида пластик карточкалар эмиссияси йўлга қўйилди. Асосий савдо хизмат кўрсатиш шох-бчаларида «Агробанк» ОАТБ филиалларида терминаллар қўриқиб қўйилди. Банк ташаббуси билан миждозларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида нақд пулларни пластик карточкаларга қириб қилиш, табиий газ ва электр энергия тўловларини амалга ошириш учун ўз-ўзига хизмат кўрсатиш банккомат ва инфокиоскалар изчил фаолият юрита бошлади. Қисқа вақт ичида аниқроғи, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига 82 минг 973



та пластик карточкалар эмиссия қилинди. Бу — вилоятда ишончи, қулай ва хавфсизлиги таъминланган пластик карточкалар орқали тўловларга миждозлар ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат.

Ҳозир бошқарма филиаллари миждозлар ишончини янада кўпроқ қозониш ва улар ишончини мустаҳкамлаш учун 756 та савдо ва хизмат кўрсатиш шох-бчаларига терминаллар тўла ўрнатилди. Банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоб тизimini рағбатлантиришга йўналтирилган ва савдо-хизмат кўрсатиш бўлимида миждозлар билан миждозларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида нақд пулларни пластик карточкаларга қириб қилиш, табиий газ ва электр энергия тўловларини амалга ошириш учун ўз-ўзига хизмат кўрсатиш банккомат ва инфокиоскалар изчил фаолият юрита бошлади. Қисқа вақт ичида аниқроғи, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига 82 минг 973

Бу йўналишдаги ишлар 2012 йилда янада кенгайди. Бошқар-

та пластик карточкалар эмиссия қилинди. Бу — вилоятда ишончи, қулай ва хавфсизлиги таъминланган пластик карточкалар орқали тўловларга миждозлар ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат.

Шавкат РАВШАНОВ.

“Дори” ли жўнатмалар

Божхона бекати

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига асосан, божхона органларининг асосий вазифаларидан бири божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда ушбу қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан, контрабанданинг олдини олиш, шундай ҳолатларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш ҳисобланади. Мазкур вазифаларни бажариш Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан, Халқаро почта орқали юборилаётган почта жўнатмаларини божхона назоратидан зийраклик билан ўтказишни талаб этади.

Сўнгги пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан чет эллардаги яқинларига таркибда психотроп ва наркотик моддалари мавжуд бўлган дори воситаларини почта орқали юборишга буюртма бериш ҳолатлари учраб турибди. Ҳўш, бу қанчалик қўноқий ҳаракат?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июлдаги «Гийҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳауди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзда ўтказиш тўғрисида»ги 293-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилиши, муомалага кириштирилиши тақиқланган ва чегараланган психотроп ҳамда наркотик воситаларни рўйхати тасдиқланган. Шунингдек, ушбу қарор билан психотроп ва наркотик воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳаудида олиб кириш ва муомалага кириштириш тақиқланган бўлиб қўйилган.

Қолаверса, Халқаро почта Конвенциясининг 15-моддасига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларининг юборилиши қатъиян тақиқланган. Ҳўш, почта жўнатмалари орқали қонунга ҳилоф равишда таркибда психотроп ва наркотик моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини жўнатиш ҳолатлари қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади? Энг аввало, почта жўнатмаларида аниқланган психотроп ва наркотик моддаларини олиб ўтиш ўта оғир тоифадаги жиноятчиликнинг тобора ўсиши ва фуқароларнинг жиноий жазога тортилишига сабаб бўлади.

Қолаверса, Халқаро почта Конвенциясининг 15-моддасига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларининг юборилиши қатъиян тақиқланган.

Қолаверса, Халқаро почта Конвенциясининг 15-моддасига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларининг юборилиши қатъиян тақиқланган.

яни, жами 90 дона «Морфин-НС1 Кревел» таблеткаларининг наркотик модда, 10 дона «Тетразепам» таблеткалари эса психотроп модда эканлиги аниқланди.

Сергелилик Х.Л. номига келган почта жўнатмасида эса 150 дона «Нормопресан» таблеткалари юборилган бўлиб, ушбу дори воситаси таркибда ҳам «Клонидин гидрохлорид» психотроп моддаси мавжудлиги аниқланди.

Қўноқий Р.У. номига келган жўнатмада эса баённомада кўрсатилмаган 200 дона «Кодипар» дори воситасининг мавжудлиги аниқланди. Мазкур дори таркибда эса юқорида зикр этилган рўйхатга наркотик восита сифатида киритилган «Коден фосфат» моддаси борлиги маълум бўлди.

Ҳозир мазкур ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Таҳлилларга эътибор берсак, 80 физик ҳолларда дорилар ўзи истеъмол қилиши учун қариялар номига юборилган. Суриштирилганда эса, ҳақиқатан ҳам касалликни даволаш учун қабул қилувчиларнинг ўзлари бу каби дориларга буюртма беришган. Кўриниб турибдики, қонунбузарлик ҳолатлари фуқароларнинг божхона қўноқчилигини тушунмасликлари натижасида содир этилган. Лекин қатъий қоида мавжуд — қонунни билмаслик жавобгарликдан озод этмайди!

Ҳўш, бу каби қонунбузилишга асосан қўноқчиликнинг касалликни даволаш учун белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш ҳодимларига мурожаат қилишса, кифоя! Чунки ҳамюртларимиз саломатлигини асраш учун республикамизда барча шарт-шароитлар яратилган. Жўнладан, юқорида санаб ўтилган кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ҳам қўноқий йўлар билан, яъни шифокор кўрсатмасига биноан шаҳар дорихоналаридан олишлари мумкин.

Аввало, фуқаролар таркибда психотроп ва наркотик моддалар бўлган дори воситаларининг почта орқали жўнатилишига буюртма бермасликлари лозим. Юрtdошларимиз касалликни даволаш учун белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш ҳодимларига мурожаат қилишса, кифоя! Чунки ҳамюртларимиз саломатлигини асраш учун республикамизда барча шарт-шароитлар яратилган. Жўнладан, юқорида санаб ўтилган кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ҳам қўноқий йўлар билан, яъни шифокор кўрсатмасига биноан шаҳар дорихоналаридан олишлари мумкин.

Аввало, фуқаролар таркибда психотроп ва наркотик моддалар бўлган дори воситаларининг почта орқали жўнатилишига буюртма бермасликлари лозим. Юрtdошларимиз касалликни даволаш учун белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш ҳодимларига мурожаат қилишса, кифоя! Чунки ҳамюртларимиз саломатлигини асраш учун республикамизда барча шарт-шароитлар яратилган. Жўнладан, юқорида санаб ўтилган кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ҳам қўноқий йўлар билан, яъни шифокор кўрсатмасига биноан шаҳар дорихоналаридан олишлари мумкин.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати.

Давомий. Боши 1-бетда

Бу улкан тадбир доирасида эҳтиёткорлик билан моддий ва маънавий ёрдам ҳам кўрсатилади. Яъни, ҳар йилги анъанага кўра бу йил ҳам 25 мингдан зиёд иқтисодий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак берилишига тайёргарлик қилиб қўйилди. Кўзда тутилган мазкур барча хайрли савдо-хизмат кўрсатиш бўлимида фаолият олиб бораётган 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этадилар, албатта.

Муҳит ободлиги — кўнгли ободлиги

Андижон банк коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамал кириши олдиданоқ кўрган кўзни қувонтирадиган даражада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига киришдилар. Ҳўш, маскани атрофига 50 тулдан олма ва гилос, 200 тул арча, 2000 тул терак қўчатлари ўтказилди. Мавжуд даракларнинг ости юмшатилиб, гулзорлар тартибга келтирилди. Йўл-

йўлақлар таъмирланди ва улар четига дизайнли ўриндиқлар ҳам ўрнатилди.

Байрам шарафига янги икки цех Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги «Тумарис-Истиқлол текстиль» корхонаси Наврўз байрами арафасида яна иккита янги цех билан бойиди. Бу ерда болалар кийим-кечаклари ва пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган мини цехлар ишга

туширилди. Уларга банкдан олинган кредит эвазига хориждан илгор технологиялар келтириб ўрнатилди.


Аҳоли бандлигини таъминлаш ва икки бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришни мақсад қилган корхона ахли Мустаҳкам оила йилда тижорат банкларидан яна кредит олиб, ишлаб чиқариш лўламини изчил кўпайтириш лўйиҳалари эстиҳам ҳам изланишлар олиб боришарди.

Реклама

«Мамлакатимизда 1500 мингдан ортиқ янги касб-хўнара коллежи ва академик лицей барпо этилди, — деди Президентимиз Исрол Каримов яқинда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган овозлони тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро Конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида, — ...улар ўз мазмунини қиёфаси ва техник таъминотида кўра энг яхши олий ўқув юрталаридан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Касб-хўнара коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажимини эгаллаш, айна вақтда ушбу ўқув юрталаридаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради».

Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги —

ёшлар тарбиясида асосий ҳаракатлантирувчи куч



Бугун ана шундай имкон, жумладан, бизнинг Дўстлик тиббиёт коллежизмида ҳам борлигидан фойдаланамиз. Туманимизнинг «Мевазор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган ўқув масканизмида биргина 2011 йил якунига кўра «Хамширалик иши», «Даволаш иши» ва «Фармация» йўналишларида 1147 нафар ўқувчи таҳсил олди. Уларнинг ихтиёрида бўлган замонавий жиҳозланган ахборот-ресурс маркази, лаборатория, кутубхона, спорт зали эшикларини доимо очик, ўқувчиларимизнинг қай бири билан суҳбатлашманг, «Ўзим севган касб сирларини пухта эгаллаб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаман», дейди. Бу — уларнинг замонавий ўқув даргоҳида билим олишлари, ўзлари ёқтирган касб-кор сирларини эгаллашлари учун давлат

бюджетидан катта миқдорда маблағ йўналтирилаётганини қадрини билганлигидир. Бундай қадрият ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди. Чунки қадр-қиммат деган тушунчани том маънода тушуниш учун миллий, маънавий ғояларни юксак даражада англайдиган, уларнинг мазмун-моҳиятини теран илғайдиган ёшларнинг ақли расоликлари, интеллектуал салоҳияти ва илгор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимида қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин» деган сўзлар билан бизнинг кўнглимизни ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қириш йўлига қадам қўйишларида бениҳоят катта йўл-йўриқдир.

Бу йўл-йўриқда амал қилган янги авлоднинг ўтмишининг ҳар қандай иллатларидан овоз бўлиб, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончи тарзда раванж топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланчи бориши, муқаррар.

М.УМАРОВ, Жиззах вилояти, Дўстлик тиббиёт коллежи директори.

“Учар” тадбиркор

қонун олдида жавоб берди

Жиноятга жазо муқаррар

Учқўрғонлик Шокир Расулов тадбиркорликка ҳавас қўйди-ю, унинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари борлигига эътибор қаратмади. У бир-икки танишларининг савдо-сотиқ ортидан яхшигина даромад орттираётганини кўргач, тузуккина касби — ўқитувчилардан юз ўттириб қўйди.

2010 йил куз фасли бошида Ш.Расулов қайиниси Акмал Расуловга учради: — Намангандаги танишларим билан маслаҳатлашиб, хусусий корхона очишга келишиб келдим. Агар рози бўлсангиз, сизни шу корхонага раҳбар этиб расмийлаштирамиз.

Бу хабарни эшитган Акмал ҳайрон бўлди: — Бунақа ишларда тажрибам йўқлигини билмасиз-ку, почча.

— Бу ёғидан ташвиш тортманг, — уни ишонтирди Шокир. — Расмий ҳужжатларга раҳбар сифатида номингизни тиркаб қўямиз, холос. Қолганини ўзим уддалайверман.

Хуллас, 2010 йил 28 октябрда Ш.Расулов «Йўлсоз дизайн қурилиш-таъмирлаш» хусусий корхонасини давлат рўйхатидан ўтказиб, ўзи бош хисобчи сифатида ишга киришди.

2010 йилнинг 1 ноябрыда «Йўлсоз дизайн қурилиш-таъмирлаш» хусусий корхонаси

билан «Чорсу дехқон бозори»да қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича шартнома имзоланди. Шартномага кўра жами 456 504 200 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши лозим эди. Аммо нафис қақалак отган Ш.Расулов 16 909 934 сўмлик маблағларни «тежаб», ўз киссасиганини кўргач, тузуккина касби — ўқитувчилардан юз ўттириб қўйди.

Шокир Расуловнинг «Йўлсоз дизайн қурилиш-таъмирлаш» хусусий корхонасида ўтказилган хизмат ва бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлашда яна соҳтакорликка «тўн бичди» — солиқ солиш базасини кам кўрсатган ҳолда 5 841 801 сўм маблағни «тежаб қолди». Шунингдек, иш ҳақи ҳисобидан 9 698 127 сўмлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам яширди.

Аҳолини нақд пул билан таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Улар қаторида пул маблағларини банкдан ташқари айлана-дўрада қайтарилиши ва назорат қасса машиналарининг мажбурий қўлаш тартиби ҳам бор. Шокир Расулов бундан жуда яхши билади. Аммо у ҳаттоларидан етарли хулоса чиқармади чоғи, 2011 йил январь-февраль ойларида 67 522 500 сўмлик маҳсулотларни «Йўлсоз дизайн қурилиш-таъмирлаш» хусусий корхонаси ҳисоб рақамидан маблағдан пул ўтказиш йўли орқали сотиб олиб,

«Юксак сифат савдо сервис» масъулияти чекланган жамиятига 64 146 500 сўм, «Боқий мадад файз савдо» МЧЖга 61 650 000 сўм, «Ахсин текс савдо» МЧЖга 72 080 000 сўм маблағлар (жами 231 629 000 сўм)ни «Низом жамғармасини шакллантириш учун» ўтказиб юборди.

Шокир Расуловнинг «Йўлсоз дизайн қурилиш-таъмирлаш» хусусий корхонасида ўтказилган хизмат ва бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлашда яна соҳтакорликка «тўн бичди» — солиқ солиш базасини кам кўрсатган ҳолда 5 841 801 сўм маблағни «тежаб қолди». Шунингдек, иш ҳақи ҳисобидан 9 698 127 сўмлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам яширди.

Аҳолини нақд пул билан таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Улар қаторида пул маблағларини банкдан ташқари айлана-дўрада қайтарилиши ва назорат қасса машиналарининг мажбурий қўлаш тартиби ҳам бор. Шокир Расулов бундан жуда яхши билади. Аммо у ҳаттоларидан етарли хулоса чиқармади чоғи, 2011 йил январь-февраль ойларида 67 522 500 сўмлик маҳсулотларни «Йўлсоз дизайн қурилиш-таъмирлаш» хусусий корхонаси ҳисоб рақамидан маблағдан пул ўтказиш йўли орқали сотиб олиб,

шаҳар бозоридан нақдига пуллади. Бироқ савдодан тушган тушумни на банк муассасасига топширди, на назорат қасса машинасига кириб қилди.

Ҳар қандай эгрилик, айниқса, жиноятга жазо муқаррар. Касални яширсанг иситмаси ошқор қилади, деган нақл бежиз айтилмаган. Шундай бўлди ҳам. «Йўлсоз дизайн қурилиш-таъмирлаш» хусусий корхонасида ўтказилган хизмат ва бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлашда яна соҳтакорликка «тўн бичди» — солиқ солиш базасини кам кўрсатган ҳолда 5 841 801 сўм маблағни «тежаб қолди». Шунингдек, иш ҳақи ҳисобидан 9 698 127 сўмлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам яширди.

Суд жиноят ишини ўрганиб чиқиб, Ш.Расуловни етти йилу олти ойга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек, ундан энг кам иш ҳақининг 350 баробари миқдорда жарима, Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекциясидан 9 698 127 сўм яширилган солиқ тўловларни тегишли тартибда ундириладиган бўлди.

Илгоржон АНАРОВ, Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛҚК Департаменти Наманган вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи, Мирхоним РАЗЗОКОВ, бошқарма бўлим катта суриштирувчиси.

Кўнгил мулкига айланган китоб

Эътироф

Ижодкор зиёлиларимиз орасида истиқлолимизнинг дастлабки қадамларидан бошлаб енг шимариб, ёшларга хос ғайрат-шижоат билан ишлаётган, маънавий-маърифий мавзуда ижтимоий аҳамиятга молик кўплаб асарлари билан ўқувчиларнинг юксак шохсига сазовор бўлган адибларимиздан бири, шубҳасиз, Абдуқоҳгор Иброҳимов бўлади. 1999 йили "Шарқ" нашриёти Бош таҳририятида чоп этилган биргина "Бизким, ўзбеклар..." китоби бугунга қадар олти марта ва ҳар гал қайта-қайта сайқалланиб, янги нусхалар, тарихий фактлар, фикр-мушоҳадалар билан тўлдирилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Китоб билан дўст тутинган кўплаб оилаларда бу асар маънавий мулк бўлиб қолди десак, муболага бўлмайди.

"Бизким, ўзбеклар..." нима тўғрисида? Бу асар, шу йўсиндаги баъзи бошқа китоблардан фарқи ўларок, миллатнинг номини кўкларга кўтарувчи қурак мадҳия ёки ҳамду санодан иборат эмас. Китоб ўзликини англаш, босиб ўтилган узоқ ва машаққатли тарих саҳифаларида қатланиб ётган сон-саноксиз ҳақиқату эътирофлар, ибрату ҳикматлар, бугунги кунимиз учун сув ва ҳаводай зарур хулосаларни англаш, бу ишни асло пайсалга солмаслик, ўтмиш аждодларга муносиб воришлар бўлиш ҳақида. "Бизким, ўзбеклар..." ўқувчи қалбига Ватани янада кўпроқ, янада муносиброқ севиш, уни асраб-авайлаш, бойликларига бойлик қўшиш туйғусини кучайтиради.

Муаллиф ушбу асарни Президентимиз Ислам Каримовнинг нутқ ва маърузаларида баён қилинган вазифалардан илҳомланиб ёзганини кўп бор таъкидлайди. Чунинчи, давлатимиз раҳбарининг "Туркистон" газетаси муҳбирининг саволларига жавобларидаги: "Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан..." Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйяпти. Шундай экан, тарих саҳифалари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунинчи, халқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламадан иш туттиш ярамайди... Яқин ўтмишимизнинг яна бир сабаби шуки, миллат, давлат, жамият тақдирини ҳал бўлаётган паллада ўзлимизни англаш, маънавий илдишларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга".

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавобларидаги: "Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки неварачевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахт-саодатли, маърифий ҳаёт кечириши, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё тургунча туришини истаймиз", деган сермаъно фикрлар, эзгу мақсад ва аниқ йўналиш муаллифини илҳомлантиргани аниқ.

Муастакилликнинг дастлабки қадамлари ўта машаққатли, ҳар жиҳатдан мураккаб кечгани ёдимизда. Ташқаридаги таъжубувор, ғаразли оқимлар маънавиятда, таълим-тарбияда юзага келган мавҳумликдан фойдаланиб, бу бўшлиқни эгаллаш, дунёқараши тўла шакланмаган ёш авлоднинг онг-шуурига таъсир ўтказиш учун жаҳд қилаётган бир пайтда огоҳликни кўлдан бериш мумкин эмасди. Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар чиқишида бу муаммага эътибор қаратиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос муастакил тараққиёт йўлини кўролмайдиган, турли баҳоналар билан ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилаётган кучларнинг, маъжусларидан огоҳ қиларди. Энг хатерлиси, бундай ҳатти-ҳаракатлар муқаддас ислом дини нуқоби остида амалга оширилаётгани, шубҳасиз, ташвишли эди.

Бундай пайтда виждони уйғоқ зиёли тинч тура олмайди. Ўзини четга олиб, воқеалар ривожини шунчаки кузатиб турганлар ҳам бўлди, аммо кўлига қалам олиб, журъат билан муастакиллигимиз манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаганлар озчилик эмасди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларини ёдга оладиган бўлсак, айтиш шундай миллий матбуотимиз саҳифаларида давлатимиз раҳбарининг нутқ ва маърузаларида, ижодкор зиёлилар билан ўтказган мулоқотларида баён қилинган фикрлар асосида ёзилган дастлабки публицистик, таҳлилий-танқидий мақолалар кўзга ташлана бошлади. Шундай муаллифлардан бири адиб ва драматург, изланувчан қалам соҳиби Абдуқоҳгор Иброҳимов эди. Унинг давлат ва давлатчилик тарихи, инсон маънавия-

ти, ислом маърифати, тарихга муносабат, миллий ва умумбашарий қадриятлар, аллома аждодларимиз ҳаёти ва мероси каби истиқлол шарофати билан юзага қалқиб чиққан мавзуларда ёзган ҳароратли мақолалари кейинчалик йирик асарга асос бўлди десак, янглишмаган бўламиз.

"Бизким, ўзбеклар..."нинг дастлабки нашрига сўзбоши ёзган адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров таъкидлаганидек, муаллиф "ўтмиш тарихимиз ва унинг ранг-баранг ҳодисалари ҳақида ўта дахлдорлик, энг яхши маънодаги ижодкорона миннатдорлик билан мушоҳада қилади... Тарихимизни, серкирра маданий-маърифий меросимиз қатламларини у ҳудди тоғ жинсларини текшираётган геологдек ғоятда синчиклаб кўздан кечиради ва ёзувчи, публицист таҳлилийдан ўтказди, қаламга олган бири иккинчисидан мурраккаб мавзулар ичида мисоли ғаввосдек сузади, керакли жаҳоирларни қидиради".

Китобни ўқир экансиз, бунга ҳар жиҳатдан амин бўласиз. Ўзбек давлатчилигининг тарихи ва асослари, мафкура, тарихи ва тарихшунослик, миллий шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, тамаддун негизлари, миллий ва фуқаролик маъсулияти, инсон, давлат ва жамият муносабатлари, Ислам Каримов янги ўзбек давлатининг асосчиси, давлатчилик тарихи яратилишининг ташаббускори... Собик тузум шароитида тақиқлаб қўйилган бу мавзуларда қалам тебратиш осон иш эмас. Бунинг учун жуда кўп манбаларга мурожаат қилиш, ўқиш ва ўқитиш, англаш ва тушуниш, тафаккур чигиринида ўтказиш, ҳар бир фикрнинг тарих ҳақиқатига мурожаат қилиш ифодалаш, ортиқча гуруҳ, ҳис-ҳаяжонга берилмай, аниқ манбалар, аниқ ҳақиқатларга асосланиш талаб этилади.

Икита мисол. Муаллиф АҚШнинг Чикаго шаҳрида чоп этилган "Жаҳон комуний лугати"да ўқиб, "Бизким, ўзбеклар..."га киритган бир иқтибосга эътибор беринг: "ЎЗБЕК — жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат..." Китобнинг ўзидан иқтибос: "Мисрликлар миллоддан аввалги тўрт мингинчи йиллардаёқ Нил дарёси сувидан ерни суғоришда фойдаланиб келсалар-да, бирок дарё оқимининг қачон қўтарилиб, қачон пасайишини билолмай келар эдилар. Бағдодда халифа Ҳорун ар-Рашид даврида тузилган, халифа Маъмун замонида кучайган "Байт ул-ҳикма"да ишлаган буюқ астроном, математик ва

географ Аҳмад ал-Фарғоний бу муаммони ҳал қилиб берди. Ватандошимиз дарё сувини ўлчайдиган асбоб — "миқёс ул-жадид"ни яратди. Бу — халқимиз жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссанинг бир заррасидир".

"Бизким, ўзбеклар..."нинг кейинги ўн икки йил ичида олти марта нашр этилишининг ўзидек муаллиф бу ўта маъсулиятли, заҳматли ишнинг удасидан чиққанини исботлайди. Шу ўринда Абдуқоҳгор Иброҳимов билан ижодий ҳамкорлик қилиб, унинг ижод самараларини ўз вақтида ёруғликка чиқариб келаётган "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ходимларининг ибратли хизматларини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Шундай китоблар бўладики, уларни бир эмас, бир неча бор ўқийсиз, баъзи саҳифалари, муаллифнинг муҳим фикрлари деярли ёд бўлиб кетади. Аммо ҳар гал ўқиганингизда, ўзингиз учун гоёт муҳим бўлган янги-янги маълумотларга эга бўласиз. Китобнинг буюқ хазина эканлиги ҳам шунда. "Бизким, ўзбеклар..." каби ўқувчи тафаккурини чархлайдиган, тарихий ҳақиқатлардан бохабар этиб, ўқувчи қалбига Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини жўштирадиган китоблар адабиётимизда тобора кўпаяётгани маданий ҳаётимизнинг, адабиётимизнинг ютуғи десак, янглишмаган бўламиз. Бундай китоблардан узоқлашмаслигимиз, уларга қайта-қайта мурожаат қилишимиз, мутолаа қилиш асосида англашларимизни бошқалар билан ҳам қўришимиз лозим.

Абдуқоҳгор ака табаррук ўшда бўлсалар-да, ижод қаламини кўлдан қўяётганлари йўқ. Тошкент маҳаллалари тарихига оид рисола кўлдан кўлга ўтиб, ҳавас ва қизиқиш билан ўқилди, маърифий жамоатчилигининг яхши баҳосини олди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳомийлигида чоп этилган "Рухий озик маҳзани" китоби ("Янги аср авлоди") "Бизким, ўзбеклар..."нинг ёнида турса зарирчи, салмоққа эга эканини эътироф этишимиз зарур. Асли китобхон халқимиз, аммо бу фазилатимиз маъно ва бадиийлик жиҳатидан мукамал асарлар ҳисобига янада ривож топаётгани ҳам бор гап. Шундай экан, заҳматкаш адибимизга мустаҳкам соғлиқ, янги ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

М. АҲМЕДОВ.



Йўллар — иқтисодиётнинг қон томири

Миллий матбуот марказида ўтказилган «Ўзбек миллий автомагистрალი: кеча, бугун, истиқболли режалар, қўйлаётган натижалар» мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Дастур асосида 2011-2015 йиллар мобайнида «Ўзбек миллий автомагистрალი» таркибига кирувчи йўлларнинг 2306 километри, шу жумладан, 1410 километр қисми қурилади ва реконструкция қилинади, 896 километр қисми қоплама ва геометрик ўлчамлари 10 тонналик оғирлик-меъёрий бирликдан 13 тонналик оғирлик бирлигига ўтказилади.

Ана шундай амалий ишлар сирасига «Бейнов — Кўнғирот — Бухоро — Навоий — Самарканд — Тошкент — Андижон» йўналиши бўйича 1008 километр узунликдаги автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш, Қамчиқ довони бўйлаб «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлидаги 100 километрлик йўлни қайта қуриш ва реконструкция қилиш, Тошкент халқа йўли бўйлаб 22 километрлик айланма йўлини қуриш ва бошқа ўнлаб қурилишларни киритиш мумкин.

Жумладан, жорий 2012 йилда ҳам инвестиция Дастурига мурофиқ, 517 километр автомобиль йўли (жумладан 165 километр цемент-бетон қопламали йўллар) ва 544 километ-

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда республикамизда қарийб 184 минг километр узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 42654 километри — умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ҳисобланади (шундан 2755 километр автомобиль йўли «Ўзбек миллий автомагистрალი» ҳисобланади).

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, фойдаланиш ва тақомиллаштириш каби вазифаларни узулқиссиз амалга ошириш учун компания тарихида 13 та худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган 7 та минтақавий таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси, 161 та туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси фаолият кўрсатаяпти.

Ўтган йиллар давомида халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлган 4050 километрга яқин янги йўллар қурилди ва тубдан реконструкция қилинди. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, 1991 йилга қараганда бугунги кунда цемент-бетон қопламали йўлларнинг узунлиги 75 километрга, асфальт-бетон қопламали йўллар — 1902 километрга, қора қопламали йўллар — 542 километрга, тош-шағал қопламали йўллар эса — 421 километрга ошди.

Хабарлар

Почта хизмати такомиллашмоқда

Ўзбекистонда почта алоқасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, соҳани модернизация қилиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида бугунги кунда почта алоқаси тармоғини модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизмат кўрсатишнинг янги турларини жорий этиш бўйича ҳукумат томонидан тасдиқланган дастур босқичма-босқич амалга оширилаётгани таъкидланди.

Дастур доирасида нафақалар, обуналар, бошқарув ва молиявий ҳисоботларни назорат қилиш ҳамда ҳисоб-китобларни олиб боришнинг автоматлаштирилган тизимини амалиётга татбиқ қилиш ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, анжуманда келажақда 250 почта алоқаси бўлимларини жиҳозлаш, турли пул ўтказмалари бўйича тўловларни қабул қилишни ташкил этиш ва уни кенгайтириш, «Ўзбекистон почтаси»нинг интернет-дўкони орқали товарларни етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда «Почта орқали товарлар» хизмати, интернет орқали электрон обуна ва бошқа

янгиликларни жорий этиш ҳам мўлжалланётгани қайд этилди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ аъёнаний хизматлари билан бир қаторда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг биллинг тизими уланган уй телефонлари учун абонент тўловларини, электр-энергияси ва бошқа коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш бўйича хизматларни кўрсатаяпти.

Анжуманда таъкидланганидек, почта алоқасининг кўплаб объектлари автоматлаштирилган электрон пул ўтказиш тизимига уланган бўлиб, хорижий давлатлар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган ва почта хавфсизлиги таъминланган.

«Энг яхши ҳарбий хизматчи аёл»

ана шундай ном остида Мудофаа Вазирлиги томонидан ташкил этилган кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Офицерлар уйида яқун топди

Кўрик-танловда ўн нафар голиба ўзларининг юксак ҳарбий тайёргарлигини, маънавий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий фанлар бўйича юқори билим даражасини, ижодий қобилиятларини намойиш этдилар.

— Илк бора ўтказилган ушбу кўрик-танловнинг аҳамияти шундаки, — дейди Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий отряд бошқарув аппаратининг етакчи мутахассиси Тамара Маманова, —

у аёллар жамиятимизда нанкин меҳрибон она, суюкли опа, сингил, қиз ва оилаларимиз кўрки ҳамда чироғи балки, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчилари ҳамдир, шунингдек, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари, бир сўз билан айтганда, гўзал тимсоллари эканлигига ёрқин ишорадир.

Феруза ТОНРОВА.



Суратда: танлов голибаси, Марказий ҳарбий округнинг ҳарбий қисмида шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзоева.

Коммунал хизматлар соҳасида янгилик

Пойтахтимизда аҳолининг коммунал хизматлардаги ўз шахсий ҳисобларини онлайин тарзда текширишини таъминловчи лойиҳани амалга оширишга киришилди.

Янги хизмат тури Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар коммунал хизматлари томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида UZINFOCOM дата маркази ва ID.uz/Desk.uz лойиҳаларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ишланмоқда.

Лойиҳанинг биринчи босқичи Мирзо Улуғбек туманида амалга оширилади. Айтилган пайтда тўртта коммунал хизматдаги маълумотларни жамлаш бўйича ишлар деярли яқунланган.

Оттабек УМАРОВ.

Сўнгги саҳифа

Орзуим — Ўзбекистонни дунёга танитишга ҳисса қўшиш

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари софидан Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Моҳинур Қахрамонова ҳам ўрин олди.



баси бўлди, Осиё ва жаҳон чемпионатларига йўлланмаларни қўлга киритди. Шу йили Эронда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида энг юқори ўринни банд этди. «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасининг финал босқичида 3-ўринни қўлга киритиб, «Мусобақа маликаси» номинацияси бўйича совриндор бўлди.

— Моҳинур — ноёб иқтидор эгаси, — дейди мураббий Зиятдин Таҳмазов. — Унинг эслаб қолиш қобилияти гоёт ривожланган бўлиб, ўргатилган ҳар бир усулни жуда тез ўзлаштиради. Тартибга қатъий риоя қилади, масъулиятни теран ҳис этади, ҳеч қачон машғулотларни қолдирмайди. Моҳинур келажакда бундан-да юксак марраларни забт этишига ишонаман.

Айни пайтда Моҳинур отанаси, устозлари ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқда. Фанларни чуқур ўзлаштириш баробарида шахмат бўйича ўз билим ва тажрибасини ошираётир.

— Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлганимдан қувончим чексиз, — дейди Моҳинур. — Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг ўз истеъодини тўла намойён этиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Орзуим — мана шундай кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, кучли шахматчи бўлиш, Ўзбекистонимизни дунёга танитишдек шарафли ишга ўз ҳиссамни қўшишдир.

Моҳинурнинг шахматга қизиқиши жуда эрта — болалигиданоқ уйғонди. Отанаси — халқ таълими ходимлари Наримон ака ва Гулжамол опа қизларининг бу қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Моҳинурни Зарафшон шаҳридаги Навоий кон-металлургия комбинатида қарашли Марказий кон бошқармасининг «Прогресс» спорт мажмуаси шахмат тўғрисида олиб боришди. Бу ерда унга мураббий Зиятдин Таҳмазов «ақл гимнастикаси» сир-асрорини пухта ўргатди.

Табиятан тиришқоқ, ўткир зехли бу қиз шахмат бўйича ўтказилган турли мусобақаларда фаол қатнашиб, ўз билим ва тажрибасини бойитиб борди, муваффақиятларга эришди. 2005 йили 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган шахмат турнирида иштирок этиб, вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. Кейинчалик Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ташкил этилган беллашувда 3-ўринни қўлга киритди. 2007 йили «Бирлашган

Араб Амирликларида ўтган Осиё чемпионатида яхши натижа кўрсатиб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу йили Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатидан муваффақият билан қайтди.

Эришилаётган бундай натижалар Моҳинурни янада фаол бўлишга, билим ва маҳоратини ошириш борасида тинимсиз изланишга ундади. У 2008 йили шахмат бўйича 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида қумуш медаль соҳи-



Тут экинги, кам бўлмайсиз!

Ҳашар — элга ярашар

Ўлкамиз чирой очиб бормоқда. Баҳор мавсуми гўзал диёригимизни латиф либосга буржаётганини кўриб, кўнгил қувонади. Бу йилги қиш бироз совуқ келса-да, тоғларга анча қалин қор тушганидан кўнглимиз тўқ — сув мўл бўлса, ҳосил хирмонларимиз барақали бўлади.

Баҳор келиши билан, халқимизнинг азалий одатига кўра маҳаллаларда ободонлик ишлари бошланади, далаларда иш қизийди. Баҳорда қилинган бир ҳаракат кўзга минг барақатга асос бўлади, деб бежиз айтишмаган. Шу боис, ҳар баҳор умумхалқ ҳашари уюштирилиб, мевали ва манзарали кўчатлар экилади, янги боғлар пайдо бўлади, ҳовлилар, истиқомат жойлари, ариқ-зовурлар тозаланиб, баҳри дилингиз очилади.

Ўтган йили мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб 20 тупдан кўчат экиш ҳаракати бутун мамлакат бўйлаб қўл очди. Ҳадемай бу ниҳоллар бўй чўзади, гуллаб-мева тугади. Тўқин дастурхонимиз янада файзли бўлади.

Кўчат экиш мавсумида кекса отахонлар билан бирга ўсим-улғаяётган набираларнинг ҳам қатнашишида катта рамзий маъно бор. Бу ёруғ дунёда ўз кўлини билан экиб, ўзинг меҳр билан парваришлаган, саратон

жазирамаларидан асраган дастурхоннинг мевасини кўришдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак. Шу боис, шаҳарларда кўпроқ манзарали дарaxтлар экилса, қишлоқларда янги мевали боғлар яратишга эътибор берилди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Мевали дарaxтлар деганда, мен аввало инсон саломатлиги учун қони фойда бўлган бебаҳо тут дарaxтини кўз олдимга келтирарман. Ота экиб улғайтирган тут дарaxти узок йиллар давомида ҳосил беради, ўғиллар, набиралар, эвара-чеваралар ундан баҳраманд бўлишади. Тутга бир тўйган киши қишни беҳавотир ўтказди, деган гап бор. Тут — пишиқчиликнинг бошланиши. Тут пишиғига етиб олган қариялар дармонга қиради. Тутдан тайёрланган шинни истеъмол қилган кишининг вужуди шамоллаш, йўтал асоратидан халос бўлади.

Тутнинг ҳосияти тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Унинг ҳатто сояси ҳам шифобахш.

Барги нафақат ипак қурти, балки чорва ҳайвонлари учун ҳам тўйимли озуқа. Тут дарaxти қўшлар учун ин қуришга қўлай. Тут дарaxтидан турли асбоб-анжомлар яратиш мумкин.

Табият бизга тўрт фаслни ато этган. Тут бизга ана шу фаслларни эслатиб туради. Мевасини йилнинг тўрт фасли ҳам истеъмол қилиш мумкин. Демак, бу дарaxтни янада кўпайтиришимиз, борларини асраб-авайлашимиз керак. Ҳар бир хонадонда бир тупдан тут бўлса, қанийди.

Ҳозир кўчаларга ва, ҳатто ҳовлиларга ҳам арча экиш урф бўлиб бораётти. Бунинг ёмон жойи йўқ. Бирок арчани тут дарaxти билан тенглаб бўлмайди. Ҳар бир соҳада маълум меъёрга амал қилиш лозим, бинобарин, биз тутзорларни кўпайтирсак, ризқ-рўзимизни яратган, дастурхонимизни бойитган бўламиз.

Албатта, мевали кўчатни экиб қўйишининг ўзи билан иш битмайди. Ҳар бир ниҳол, айниқса, мевали кўчат доимий парваришга муҳтож бўлади. Болаларимизни бу ишга қанчалар эрта ўргатсак, шунча яхши.

Рашидхон ШУКУРОВ,
Қўқон давлат педагогика
институтини доденти.

Ҳурматли юртдошлар! «Асака» банк (ОАЖ)

яқинлашиб келаётган
Наврўз байрами билан
табриклайди ҳамда қўйидаги
янги миллий валютадаги
муддатли омонат турини
таклиф этади:

«Наврўз — 2012»

Сақланиш муддати — 2 йил,
фоизлар ҳар 6 (олти) ойда ёки
омонат муддати тугагандан
(2 йилдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг
барча филиалларида очиб мумкин.

Хизматлар лицензияланган



СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Ташкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Ташкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

ADOLAT
иқтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алшар МҶМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2041-5237

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Ташкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буортма Г—300. Ҳажми — 4 босма табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 10612. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 20.20

1 2 3 5

Бош муҳаррир: Худойер МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39.

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЎДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Илёс САХАТОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиб фақат тахрират руҳати билан амалга оширилади.

Янги қурилма яратди

Шотландиялик олимлар имо-ишорани матнга тезкор «таржима» қилувчи антиқа қурилма яратди. Мазкур янги технологияга ўрнатилган камера қўл орқали амалга оширилаётган ишораларни хотирага ёзади ва тезлик билан дастурга узатади. Матн эса мониторда акс этади. Бундай қурилма ёрдамида сўхбатдош эшитиш қобилияти суств ва гапириши қийин кишиларни имо-ишора тилини ўрганмай туриб ҳам тушуна олади.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини таъсис этди

Австралия ҳукумати маст ҳолда автотранспорт бошқариб қўлга тушган ҳайдовчилар учун махсус ҳайдовчилик гувоҳномасини таъсис этди. Энди йўл қончасини бузган кишига олти ойдан ўн икки ойгача ўз кучида қолувчи гувоҳномалар тарқатилади. Агар шу вақт мобайнида ҳайдовчи маст ҳолда яна автомобиль бошқарса, унга қамоқ жазоси берилади, шунингдек, жарима ҳам тўлайди.

Янги Жанубий Уэльс шаҳрининг бош прокурори Грег Смитнинг сўзларига қараганда, жорий этилган янги қонун автохалокатлар оқибатида ҳаётдан қўз юмаётганлар сонини камайитиришга хизмат қилади.

«Ўзбекистон» телерадиоканали ДУК «Ахборот» инфорацион эшиттиришлар муҳарририяти фахрий журналист Муяссар Саидхоновага қизи

ИРОДАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

Озик-овқат саноати фахрийси

Воҳид СОДИҚОВнинг вафоти муносабати билан бир гуруҳ дўстлари марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.